“INNOVATSIYA TEXNOLOGIYALARI MARKAZI” MChJ

100185, Toshkent sh., Chilonzor tumani,
Bunyodkor shoh ko‘chasi, 29-uy. Tel: (71) 230-04-02
e-mail: itm.mchj@itm-llc.uz / Exat: itm.mchj@exat.uz

“CENTER FOR INNOVATIVE TECHNOLOGIES” LLC

100185, 29, Bunyodkor shokh street,
Chilanzar district, Tashkent City. Tel: (71) 230-04-02
e-mail: itm.mchj@itm-llc.uz / Exat: itm.mchj@exat.uz

2026-yil «14» - 08 1745 - son

ЛОГИСТИКА КОМПАНИЯЛАРИГА

ЭЪЛОН

Экспедиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича энг яхши таклифларни танлаш тўғрисида

“Инновация технологиялари маркази” МЧЖ 2026 йил сентябрь ойида Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган “AFRICA AEROSPACE AND DEFENCE EXPO 2026” (AAD 2026) халқаро кўргазмасида иштирок этиши муносабати билан кўргазма экспонатларини Ўзбекистон Республикасидан Жанубий Африка Республикасига етказиб бериш ҳамда кўргазма якунланганидан сўнг Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш ишларини ташкил этиш учун **экспедиторлик хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида** энг яхши таклифларни танлашни эълон қилади.

Танлов предмети

Кўргазмада намойиш этиш учун мўлжалланган маҳсулотлар, макетлар, кўргазма экспонатлари ва бошқа тегишли юкларни қуйидаги йўналиш бўйича ташишни комплекс ташкил этиш:

Ўзбекистон Республикаси → Жанубий Африка Республикаси → AAD 2026 кўргазма ҳудуди → Ўзбекистон Республикаси.

Танлов ғолибининг асосий вазифаси юкларни белгиланган муддатларда Жанубий Африка Республикасига етказиб бериш, кўргазма ҳудудида Буюртмачига топшириш ҳамда кўргазма якунланганидан сўнг юкларни Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш билан боғлиқ транспорт-экспедиторлик жараёнларини комплекс ташкил этиш ва мувофиқлаштиришдан иборат.

Хизматларнинг тўлиқ ҳажми, бажариш тартиби, ташиш шартлари, экспедиторга қўйиладиган талаблар ва бошқа шартлар Техник талабда белгиланган.

Танлов иштирокчиларига асосий талаблар:

Танлов иштирокчиси халқаро транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тегишли тажриба ва имкониятларга эга бўлиши, шу жумладан халқаро кўргазма юклари ҳамда вақтинча олиб чиқиш ва қайтариб олиб келиш тартибида ташиладиган юклар билан ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Танлов иштирокчилари Техник талабда белгиланган шартлар асосида ўз тижорат таклифларини тақдим этишлари лозим.

Таклиф таркиби.

Тижорат таклифида камида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

хизматларнинг умумий қиймати;

ташишнинг таклиф этилаётган маршрути;

юкни Жанубий Африка Республикасига етказиб бериш муддати;

кўргазмадан сўнг Ўзбекистон Республикасига қайтариб олиб келиш муддати;

тўлов шартлари;

таклифнинг амал қилиш муддати.

Таклифга ташкилотнинг мазкур йўналишдаги тажрибаси ва имкониятларини тасдиқловчи маълумотлар илова қилиниши мақсадга мувофиқ.

Танлов ҳужжатлари

Танлов шартлари ва кўрсатиладиган хизматларга қўйиладиган батафсил талаблар “Экспедиторлик ва логистика хизматларини кўрсатиш бўйича техник талаб”да келтирилган.

Таклифларни тақдим этиш тартиби ва муддати Тижорат таклифлари мазкур Эълон ва унга илова қилинган Техник топшириқ талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ҳолда:

электрон шаклда;

ёки белгиланган тартибда ёпиқ конвертда тақдим этилиши мумкин.

Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2026 йил 18 август, соат 18:00 гача.

Белгиланган муддатдан кейин келиб тушган таклифлар кўриб чиқилмаслиги мумкин.

Таклифларни тақдим этиш учун маълумотлар: **Манзил:** Тошкент шахар, Чилонзор тумани, Бунёдкор-29, **Электрон почта:** : itm.mchj@itm-llc.uz, **Масъул шахс:** Икром Джалолов, Телефон: +99871-230-04-45, +99893-640-39-69

Илова. Техник топшириқ, 9 варақ.

Ҳурмат билан,

Бош директор **А. Абдусаттаров**